

*Худайбердиева Зумрад Худойбердиевна
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ўқитувчиси*

*Бахтиёрова Севара Элёр қизи
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
талабаси*

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА “ИНГЛИЗ ТИЛИ” ФАНИ ПЕДАГОГИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада бошланғич таълимда “Инглиз тили” фанининг мазмун моҳияти таҳлил қилинган ва унинг ечимлари келтирилган.

Калим сўзлар: инглиз тили, ўқитиш усуллари, педагогика, педагогик фаолият, билим, бошланғич таълим.

*Khudayberdieva Zumrad Khudoyberdievna
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Bakhtiyorova Sevara Elyor qizi
Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

ACTIVITIES OF THE TEACHER OF ENGLISH IN PRIMARY SCHOOLS

Annotation: This article analyzes the content of the subject "English" in primary education and provides solutions.

Keywords: English, teaching methods, pedagogy, pedagogical activity, knowledge, primary education.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида фаол педагоглар тайёрлаш вазифаси қўйилган [1]. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида эса (2020 йил 23 сентябрь) педагогларга нисбатан “тегишли маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш” талабалари қўйилган [2]. Шу жиҳатдан бу вазифа ва талаблар “Инглиз тили” фани педагоглари учун ҳам меъёрий қоидаларни белгилайди. Жумладан, бошланғич синфларда “Инглиз тили” фани педагоглари учун ҳам меъёрий қоидаларни белгилайди. Жумладан, бошланғич синфларда “Инглиз тили” фани педагоглари фаол бўлиши ва уларнинг фаолият самарадорлигига эришиши муҳим ҳисобланади.

Бошланғич синфларда “Инглиз тили” фани педагогининг фаолиятини баҳолаш ва уларни фаолликка даъват қилишда таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари”да қуйидаги малака талаблари қўйилган [3]:

Билим бериш. Бошланғич синфларда “Инглиз тили” фани педагогик ўқувчиларга тил ўргатиш ва уларнинг нутқини шакллантириш билан биргаликда инглиз тили табиати, хусусиятлари ҳамда грамматикаси тўғрисида меъёрли маълумотлар ҳам бериши керак. Ўқувчилар инглиз тили тўғрисида дастлабки тушунча ва маълумотларга эга бўлиши лозим.

Кўникма шакллантириш. “Инглиз тили” фани педагоги бошланғич синф ўқувчиларининг мазкур тил бўйича ўрганган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш кўникмасини шакллантириши керак. Кузатишлар шунини кўрсатадики, кўпчилик бошланғич синф ўқувчилари оғзаки ва ёзма жумлаларни тузишга қийналишади. Шу сабабли бу борада ҳар бир ўқувчининг кўникмасини шакллантириш тақозо этилади.

Малака ҳосил қилиш. “Инглиз тили” фани педагоги бошланғич синф ўқувчиларида бу тил бўйича ўрганган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш малакасини ҳосил қилиши лозим. Бунинг учун ўқувчиларнинг лўғат бойлигини кўпайтириш билан уларда янги билимлар ҳосил қилишга эришиш мумкин. Албатта, ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш тақозо этилади.

Компетенция билан қуроллантириш. “Инглиз тили” фани педагоги бошланғич синф ўқувчиларини мазкур тил бўйича олган билим, кўникма ва малакаларини кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти билан қуроллантириши тақозо этилади. Бунинг учун ўқувчиларни дарслик ва ўқув материаллари билан ишлашга ўргатиш кутилган самарани беради. Чунки "Инглиз тили" фани бўйича ўқув материаллари ўқувчиларнинг компетенциясини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берилса, бу малака талаблари “Инглиз тили” фани педагоглари учун қуйидаги асосларни беради:

- фаолият самарадорлигига эришиш;
- касбий фаол бўлиш;
- ўз устида мунтазам ишлаш;
- ўқитишнинг турли воситаларини қўллаш.

Ўқувчиларнинг кейинги таълим босқичларида инглиз тилини ўрганиши, билиши ва унга қизиқиши бошланғич синфларда олган билим, кўникма ҳамда компетенцияга боғлиқ бўлиши маълум. Шу сабабли бошланғич синфларда инглиз тили фани педагогининг фаол бўлиши тақозо этилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziyounet.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). // www.ziyounet.uz.
3. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари (2017 йил 6 апрель). // www.ziyounet.uz.
4. Musurmonov R. Musurmonova M. Umumiy oʻrta talim maktablarida pedagogik konfliktlar va ularning profilaktikasi muammolari xususida. “Xalq ta’limi” j. T. 2021. № 26 20-23.
5. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psychological and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimization of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Mardonov Sh. K., Jabbarova O.M. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Mardonov Shukurullo Kuldashevich, Quttibekova Guljan Tulepbaevna. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.
9. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
10. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of

Modernity // SCOPUS International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.

11. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 1, 2021, pp1052-1060

12. Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбияфанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.

13. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошланғич таълимда Тарбияфанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.

14. Жабборова О.М., Ташпулатова Д.М. Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 3, 2021, pp 584-589.

15. Умарова З.А. Бошланғич таълимдидактикаси. Academic research in educational sciences, Issue 2, 2021, pp 556-562.

16. Ochilov Fariddun Izatulloevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539бетлар.

17. Жабборова О.М. Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 4, 2021, pp702-706.

18. Onakhon Mannapovna Jabborova, (2021). Systems For The Development Of Primary Education In The Process Of Higher Pedagogical Education. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 449-453.